

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ВА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА
ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА
БИТИМ**

Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар, Аҳдлашувчи Томонлар давлатлари ҳудудлари ўртасида автомобиль алоқасини амалга ошириш зарурлигини эътироф этиб, ўзаро манфаатли дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро келишилган йўналишлар бўйича йўловчилар ва юкларни ташиш учун қулай дёроитлар яратишга келишиб олдилар.

2-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудлари ўртасида халқаро автомобиль йўловчилар ва юкларни ташишлар Аҳдлашувчи Томонларнинг миллий қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари билан амалга оширилади.

Аҳдлашувчи Томонлар транспорт воситаларига халқаро ташишлар учун белгиланган халқаро автомобиль ташишларнинг рухсат этиш тизими қўлланилади.

3-модда

Чегарадан ўтишлар, халқаро автомобиль йўловчи ва юкларни ташишларнинг йўналиш ва расмийлаштириш тadbирлари Аҳдлашувчи Томонлар ваколатли органлари томонидан келишилади.

Биринчи навбатда очилиши керак бўлган йўналишлар ушбу Битимнинг ажралмас қисми бўлган Иловада кўрсатилган.

4-модда

Ушбу Битим бўйича қуйидагилар ваколатли органлар ҳисобланади:

Хитой Халқ Республикаси томонидан - Коммуникациялар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси томонидан - "Ўзавтотранс" давлат-ҳиссасдорлик корпорацияси ва "Ўзавтойўл" давлат-ҳиссасдорлик концерни; Қирғизистон Республикаси томонидан - Транспорт ва алоқа вазирлиги.

5-модда

Битта Аҳдлашувчи Томон ташувчисига бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жойлашган икки пункт орасида йўловчи ва юкларни ташишни амалга оширишга рухсат этилмайди.

6-модда

Аҳдлашувчи Томонларнинг халқаро автомобиль йўловчилар ва юкларни ташишни амалга ошираётган транспорт воситалари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида мазкур ташишлардан олинадиган даромадлар ва фойдадан олинадиган солиқлар ва йигимлардан озод қилинади. Йўллардан фойдаланиш ва уларни сақлаш учун йигимлар ташувчи томонидан Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келишилган унификация қилинган метёрлар бўйича тўланади. Хизмат кўрсатиш учун йигимлар ташувчи томонидан Аҳдлашувчи Томонларнинг ички қоидаларига мувофиқ тўланади.

7-модда

Келишилган йўналишлар бўйича халқаро автомобиль юкларни ташишлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, Аҳдлашувчи Томонларнинг божхона органлари ўзаро келишилган унификация қилинган божхона процедураларини ишлаб чиқади.

8-модда

1. Ушбу Битим асосида ташишларни бажаришда Аҳдлашувчи Томонлар уларнинг давлатлари ҳудудида олиб кирилатган қуйидагиларни божхона йигимлари, божлар ва рухсатномалардан ўзаро бир-бирларини озод қилади:

1.1. автотранспорт воситаларининг двигателини ёнилғи билан таъминлаш тизимида технологик ва конструктив жиҳатдан боғлиқ бўлган ҳар бир русуми учун кўзда тутилган сигимдаги ёнилғи;

1.2. ташишлар даврида фойдаланиш учун зарур бўлган миқдордаги мойлаш материаллари;

1.3. халқаро ташишни бажараётган автотранспорт воситасини таъмирлаш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар ва асбоблар.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида олиб кириладиган фойдаланилмаган эҳтиёт қисмлар ва алмаштирилган қисмлар мазкур давлат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши лозим.

9-модда

Аҳдлашувчи Томонлар белгиланган йўналишлар бўйича халқаро автомобиль ташишларни амалга оширганда ўз ҳудудидаги йўлларнинг қурилиши ва сақланишига, шунингдек уларнинг белгиланган фойдаланиш талабларига мос бўлишига жавоб беради.

10-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўз ҳудудларида йўл ёқасидаги инфраструктуралар имкониятларини кенгайтиришга ва кириш ва чиқиш пунктларида йўлни давом эттириш учун божхона ҳужжатлари расмийлаштирилишини кутаётган транспорт воситаларига ёпиқ ва очиқ майдонларни бунёд этишни таъминлашга интиладилар, улардан фойдаланганлик учун йиғимлар олинади.

2. Хавфли ва йирик ўлчамли юklar ортилган транспорт воситалари учун алоҳида қўриқмалар назарда тутилади.

11-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар, имкон даражасида, темир йўл вагонлари, автотранспорт воситалари ва денгиз савдо кемаларига бўлган эҳтиёжни қондиришга интиладилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар транспортнинг барча турларидаги тарифлар, шунингдек порт йиғимлари ва бошқа йиғимлар масалалари Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан алоҳида келишилишига рози бўдилар.

12-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро келишилган йўналишлар бўйича юklarнинг ташилишини жадаллаштириш мақсадида унификация қилинган юк накладнойларини қабул қилишга келишиб олдилар.

13-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўз мамлакати қонунларига мувофиқ транзит автомобиль воситаларига нисбатан тақиқлар ва чеклашлар белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Уларни белгилаш учун асослар нафақат ижтимоий хавфсизлик, ижтимоий гигиена, ижтимоий ахлоқ, соғлиқ, шунингдек ҳайвонлар ва ўсимликлар, савдо белгилари ва муаллифлик ҳуқуқларига тааллуқли бўлган қонунларни, шу билан бирга иқтисодий ва бошқа тусдаги мулоҳазаларни ҳам ўз ичига олади.

2. Аҳдлашувчи Томонлар контрабанда товарлар, қурол-яроғ ва ўқ-дори, наркотикларни, шунингдек Аҳдлашувчи Томонлар қонунлари билан олиб кириш ва олиб чиқиш тақиқланган товарларни ташишни қатъиян тақиқлашга келишиб олдилар.

14-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига Аҳдлашувчи Томонлар юklarининг ҳам, ушбу Битим қатнашчилари бўлмаган учинчи давлатлар юklarининг ҳам ўз ҳудудлари орқали эркин транзит тарзда ўтишига имкон берадилар.

2. Савдо халқаро амалиёти, божхона қоидалари ва бошқа халқаро мажбуриятларга мувофиқ олиб кирилган товарлар ҳудуди орқали транзит амалга оширилаётган Аҳдлашувчи Томон тарафидан ҳимоя қилинади.

15-модда

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари ёки улар ваколат берган ижроия органлари ушбу Битимни бажариш устидан биргаликда кузатишни амалга ошириш ва муаммоларни ўз мамлакатлари ваколатли органларида тезкор тақдим этиш ва ҳал этиш учун, масъул шахсларни тайинлайдилар. Ушбу Битимни амалга ошириш давомида вужудга келадиган масалалар Аҳдлашувчи Томонларнинг юқорида қайд этилган органлари томонидан зарурат бўлганда, ўзаро келишув бўйича, лекин календарь йилида камида бир марта муҳокама этилади.

2. Ушбу Битимни амалга ошириш мақсадида Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари Битимни қўллаш регламентини ишлаб чиқадилар.

16-модда

Ушбу Битимда қамраб олинмаган масалалар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида маслаҳатлашишлар йўли билан ҳал этилади.

17-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Битимнинг талқин қилинишига тааллуқли бўлган ҳар қандай келишмовчиликларни музокаралар орқали ҳал этишга ва уларни ҳал этиш мумкин бўлмаган ҳолда барча Аҳдлашувчи Томонлар учун мақбул бўлган, қарори юридик жиҳатдан мажбурий бўладиган арбитраж кўриб чиқишига тақдим этишга келишиб олдилар.

18-модда

Ушбу Битимга Аҳдлашувчи Томонларнинг келишувига биноан тузатиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

19-модда

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига дипломатик каналлар орқали ушбу Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилгани ҳақида охириги ёзма ҳабаб берган санадан кучга киради.

2. Ушбу Битим 5 йил давомида амал қилади ва Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томонларни ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугашидан камида олти ой аввал унинг амал қилишини тўхтатиш нияти ҳақида ёзма равишда хабардор қилмаса, ҳар сафар навбатдаги 5 йилга ўз-ўзидан узайтирилади.

20-модда

Ушбу Битим барча Ахдлашувчи Томонларнинг розилиги билан унга қўшилиши мумкин бўлган бошқа давлатлар учун очикдир.

Ўзбекистон Республикаси ушбу Битимнинг депозитарийи ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида 1998 йил, "19" февралда уч нусхада, ҳар бири инглиз, рус ва Ахдлашувчи Томонлар тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга.

Хитой Халқ
Республикаси
Ҳукумати
учун

胡希捷

Ўзбекистон
Республикаси
Ҳукумати
учун

Шокиев

Қирғизстон
Республикаси
Ҳукумати
учун

Шокиев

**Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро
автомобиль алоқаси тўғрисидаги битимга**

ИЛОВА

Аҳдлашувчи Томонлар биринчи навбатда қуйидаги йўналиш бўйича транспорт алоқасини очишга келишиб олдилар: Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом-Қашғар йўналиши бўйича бориб-келиш. Шу мақсадда Аҳдлашувчи Томонлар ўз ҳудудида кўрсатилган автомобиль йўлини қуриш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларни ўз вақтида бажарадилар.